

XIII асрнинг 40-йиллари бошида Ботухон бошчилигида ташкил килинган феодал давлат (Жўчи улуси деб хам аталади). Олтин Ўрда хонлари Куйи Дунай ва Фин кўлтигидан Иртиш хавзаси ва Куйи Обгача, Кора, Каспий ва Орол денгизлари хамда Балхаш кўлидан Новгород ерларигача бўлган худудда хукмронлик килган.
Бирок, русларнинг туб ерлари Олтин Ўрда давлати таркибига кирмас, балки унга тобе бўлиб, ўлпон тўлар эди. Ботухон даврида Олтин Ўрда пойтахти Сарой Боту (хозирги Астрахань якинида) бўлган; XIV асрнинг биринчи ярмида эса у Сарой Берка шахри (Беркахон асос солган; хозирги Волгоград якинида)га кўчирилган. Олтин Ўрда заиф, сунъий бир давлат уюшмаси бўлиб, ахолиси миллий жихатдан хилма-хил эди. Олтин Ўрда ахолисининг ижтимоий ва маданий тараккиёт даражаси хам турлича бўлган. Кўчманчилар хаётида ярим патриархал, ярим феодал муносабатлар мавжуд эди. Мўгул феодал зодагонлари экин майдонлари ва яйловларнинг асосий кисмини эгаллаб олган эдилар. Олтин Ўрданинг кўчманчи ахолиси орасида хунармандчилик суст бўлиб, шахар бозорларидаги мавжуд буюм ва матолар Хоразм, Шимолий Кавказ ва бошка ерлардан келтирилган усталар томонидан ишлаб чикарилар эди. Давлатни Жўчихон хонадонидан чиккан хонлар ндора килган. Сиёсий хаётнинг айрим жабхаларида хукмрон сулола вакиллари бошчилигида курултойлар — харбий феодал зодагонларининг йигинлари чакирилиб турилган. Давлат ишларини асосан беклар беги олиб борган. Халкдан солик йигиш иши билан боскоклар шугулланган.
Олтин Ўрда давлатининг табиатан заифлиги ва айникса, унинг асоратига тушиб колган халклар миллий озодлик курашининг кучайиши давлатнинг таназзулга юз тутишига яна бир сабаб бўлди. Олтин Ўрда ўзининг ташкил топиши давридаёк 14 улусга бўлинган бўлиб, уларни Жўчининг 14 ўгли идора килган. Булардан 13 таси ярим мустакил давлат бўлган ва Ботухоннинг олий хокимиятига бўйсунгаи. Мангу Темур (1267— 1280) вафотидан сўнг Жўчи хонадонига мансуб шахзодалар ўртасида феодал урушлар бошланган даврда марказий идора муассасаларига ерли кишиларни жалб килиш тенденциялари кўзга ташлана бошлади. Тўда Мангухон (1280—1287) ва Тўда Бугахон (1287—1290) хукмронлиги даврида давлат бошлиги расман Нўгай хисобланар эди. Факат Тўктухон (1290—1312) Нўгай ва унинг тарафдорларидан кутулишга муваффак бўлди. Беш йилдан сўнг янги бошланган тўс-тўполонга Ўзбекхон (1312—1342) чек кўйди. Ўзбекхон ва унинг вориси Жонибек (1342—1357) хукмронлиги даврида Олтин Ўрданинг харбий кудрати нихоят даражада ошди. Кўшинлар сони 300 мингга етди. Бирок, 1357 йили Жонибекнинг ўлдирилиши билан бошланган тўс-тўполонлар Олтин Ўрданинг тушкунликка учраганидан далолат берар эди. 1357—1380 нилларда Олтин Ўрда тахтида 25 марта хон алмашиндй. Бу вактда давлатни расман Мамай (1381 йили вафот этган)

идора килди. XIV асрнинг 60-йиллари бошида Олтин Ўрдадан Хоразм, Астрахань ажралиб чикди. Польша ва Литва Днепр дарёси хавзасидаги ерларни босиб олди. Бундан ташкари, Олтин Ўрданинг нуфузлн улус амирларидан Мамай Москов князи бошлик кучли рус князлари иттифоки билан тўкнашишга мажбур бўлди. У Русияни заифлаштирнш максадида катта кўшин билан юриш бошлади, бирок Куликово жангида тор-мор этилди.
Тўхтамишхон даврида ур-йикитлар бархам топди, марказий хокимият асосий улусларни ўз назорати остига олди. Тўхтамишхон Мамай кўшинларини Калка дарёси бўйида енгиб, 1382 йили Московга хужум бошлади, уни кўлга киритди, шахарга ўт кўйди. У ўз хокимиятини мустахкамлаб олгач, Амир Темурга карши уруш очди. Амир Темур бир неча конли жанглардан сўнг, Тўхтамиш кўшинларини янчиб ташлади, Волга бўйидаги бир катор шахарларни вайрон килди. Олтин Ўрда бу какшаткич зарбадан сўнг ўзини сира ўнглай олмади. XV асрнинг 20-йилларида Сибирь хонлиги, 40-йилларида Нўгай Ўрда, кейинрок Козон хонлиги (1438), Крим хонлиги (1443), 1460 йили Мангит, Астрахань хонликлари вужудга келди. XV аерда Русиянинг Олтин Ўрдага тобелиги сезиларли даражада камайди, 1480 йили Катта Ўрда хони Ахмат (Ахмад) Улуг рус князи Иван III (1462—1505) ни ўзига итоат эттиришга урониб, му-ваффакиятсизликка учради. 1480 йили рус халки татар-мўгул зулмидан бутунлай халос бўлди. (Б. Ахмедов)